Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 11

ТОШКЕНТ-2026

ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ | LOOK TO THE PAST
№11 (2026) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2026-11

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Бобожонова Дилором Бобожоновa
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc), Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc), Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc) Шаҳрисабз далат педагогика институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор, Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор, Қозоғистон дипломатия академияси

Ғоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Қарши давлат техника университети

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор Қарши давлат университети

Маҳкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc), Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc), Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор, Қозоғистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc), Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc), Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор Ўзбекистон Миллий университети

Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор, Наманган давлат университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ | РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ | EDITORIAL TEAM:

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аббасов Беҳзод Бахтиёрович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат иқтисодиёт университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Xurshid Mirzaxmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Diloram Babajanova
YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDA MILLIY QADRIYATLARNING AHAMIYATI.....5

2. Abdurasul Boltaev
TURONI ZAMINNING DAVLATChILIKDAGI TUTGAN O'RNI.....12

3. Muysin Dusaliyev
QO'QON XONLIGINING BUXORO VA XIVA BILAN HUDUDIY NIZOLARINING KELIB CHIQISH SABABLARI VA OQIBATLARI.....21

4. Кобзева О.П.
ИСТОРИЯ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ КУШАНСКОЙ ИМПЕРИИ: ОТ ТОРГОВОЙ ДИПЛОМАТИИ К ДИПЛОМАТИИ «МЯГКОЙ СИЛЫ».....30

5. Ulmas Muminov
"DASHT MADANIYATI" TUSHUNCHASINING SHAKLLANISHI VA ILMIY TALQINLARI.....37

6. Asliddin Namazov
XX ASRNING 30-YILLARI MADANIY-MA'RIFIY MUASSASALARNING KOMFIRQA SIYOSIY-G'OYAVIY TARBIYA O'CHOQLARIGA AYLANTIRILISHI VA UNING OQIBATLARI.....42

7. Jurabek Polvonov
XIVA XONLIGI DIPLOMATIYASI VA ELCHILIK MUNOSABATLARI: TARIXIY-MANBASHUNOSLIK TAHLILI.....46

8. Soxiba Sulaymanova
G'ARBIY TURK XOQONLIGINING TASHKIL TOPISHI VA TANAZZULLI.....55

9. Rano Urazova
THE AMESHAPENTA SYSTEM IN ZOROASTRIANISM AND ITS FUNCTIONAL ESSENCE: CONCEPTS OF GOODNESS AND DIVINE ORDER.....60

10. Муродилла Ҳайдаров
Г. САФАРОВНИНГ МУСТАМЛАКА ИНҚИЛОБИ (ТУРКИСТОН ТАЖРИБАСИ) АСАРИДАН ПАРЧА.....70

11. Ғайратбек Хайдаров
ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ (Фарғона вилояти мисолида).....82

12. Тохир Шокиров
РАЗВИТИЕ ИСТОРИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА И ЕГИПТА В ДРЕВНОСТИ.....89

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

Ғайратбек Мирзапўлатович Хайдаров,
Андижон давлат университети профессори,
тарих фанлари доктори

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ (Фарғона вилояти мисолида)

For citation: Gayratbek M. Khaydarov. COOPERATIVE RELATIONS IN THE SPHERE OF INTERNATIONAL INVESTMENT AND TOURISM (A CASE STUDY OF THE FERGANA REGION). Look to the past. 2026, vol. 9, issue 11.

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.24141472

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар Фарғона вилоятининг ижтимоий – иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар, амалга оширилган халқаро ҳамкорлик соҳасидаги хорижий давлатлар билан алоқалари ёритилган. Шунингдек, халқаро инвестиция ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ҳозирги ҳолати, истиқболлари ва муаммолари тадқиқ этилади. Вилоятнинг географик жойлашуви, саноат, қишлоқ хўжалиги, логистика, тарихий-маданий ва табиий туризм салоҳияти хорижий инвесторлар ҳамда сайёҳларни жалб қилиш учун муҳим имконият яратади. Тадқиқотда Фарғона вилоятига хорижий инвестицияларни жалб этиш, меҳмонхона ва туристик-рекреацион инфратузилмани ривожлантириш, халқаро форумлар, бизнес-мулоқотлар ва ҳамкорлик меморандумлари орқали инвестицион муҳитни яхшилаш масалалари ёритилади. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ҳудуд иқтисодиётини диверсификация қилишдаги ўрни таҳлил қилинади. Мақолада соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристик хизматлар сифатини ошириш ва халқаро маркетингни кучайтириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: инвестиция, халқаро хамкорлик, туризм, махсулотлар, ишлаб чиқариш, меморандум.

Хайдаров Гайратбек Мирзаполатович,
профессор Андижанского государственного университета,
доктор исторических наук

ОТНОШЕНИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА В СФЕРЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ИНВЕСТИЦИЙ И ТУРИЗМА (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются проводимые в нашей республике реформы, изменения в социально-экономической сфере Ферганской области и отношения с зарубежными странами в области международного сотрудничества. Также анализируется

текущее состояние, перспективы и проблемы международного инвестиционного и туристического сотрудничества. Географическое положение региона, его промышленный, сельскохозяйственный, логистический, исторический, культурный и природный туристический потенциал создают важные возможности для привлечения иностранных инвесторов и туристов. В исследовании рассматриваются вопросы привлечения иностранных инвестиций в Ферганскую область, развития гостиничной и туристической и рекреационной инфраструктуры, а также улучшения инвестиционного климата посредством международных форумов, деловых переговоров и меморандумов о взаимопонимании. Анализируется также роль инвестиционных проектов в создании рабочих мест, увеличении экспортного потенциала, повышении доходов населения и диверсификации региональной экономики. В статье разработаны практические предложения по устранению проблем в секторе, созданию благоприятных условий для инвесторов, повышению качества туристических услуг и укреплению международного маркетинга.

Ключевые слова: инвестиции, международное сотрудничество, туризм, продукция, производство, меморандум.

Gayratbek M. Khaydarov,
Professor at Andijan State University,
Doctor of Historical Sciences

COOPERATIVE RELATIONS IN THE SPHERE OF INTERNATIONAL INVESTMENT AND TOURISM (A CASE STUDY OF THE FERGANA REGION)

ABSTRACT

This article examines the reforms currently underway in our republic, the socio-economic changes taking place in the Fergana region, and the development of international cooperation with foreign nations. It further analyzes the current status, future prospects, and challenges regarding international collaboration in the fields of investment and tourism. The region's geographical location, combined with its industrial, agricultural, and logistical capabilities-along with its rich historical, cultural, and natural tourism assets-create significant opportunities for attracting foreign investors and tourists. The study explores the attraction of foreign investment to the Fergana region, the development of hotel, tourism, and recreational infrastructure, and the enhancement of the investment climate through international forums, business negotiations, and memoranda of understanding. It also assesses the role of investment projects in job creation, the expansion of export potential, the growth of household incomes, and the diversification of the regional economy. Finally, the article offers practical recommendations for addressing sectoral challenges, fostering a favorable environment for investors, improving the quality of tourism services, and strengthening international marketing efforts.

Index Terms: investment, international cooperation, tourism, products, production, memorandum.

Долзарблиги:

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ортга қайтмас ислохатларнинг натижаси ўлароқ Фарғона вилоятида хам халқаро инвестиция ва туризм сохасида хамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Президентимиз Ш.М Мирзиёев такидлаб ўтганидек "Биз мамлакатимизда инвестиция ва бизнес мухитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма босқич бартараф этиш учун қатий қадамлар ташладик... иқтисодиётни эркинлаштириш, қулай инвестиция мухитини яратиш, тадбиркорлар учун имкониятларни хар томонлама кенгайтиришни асосий мақсадимиз этиб белгиладик".

Мавзу ҳозирги замонда вилоят иқтисодиётини диверсификация қилиш, иш ўринлари яратиш, инфратузилмани модернизация қилиш ва халқаро бозорларга интеграциялаштириш нуқтаи назаридан долзарб аҳамият касб этади. Фарғона вилояти табиий, тарихий, маданий ва

саноат салоҳиятига эга бўлиши билан хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда туризм хизматларини экспорт қилиш имкониятларини бирлаштиради.

Ўзбекистонда туризм соҳаси экспорт салоҳияти ошган, хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар кенгайган даврда турибди. Масалан, мамлакатда туризм экспорти 3,5 миллиард долларга етган, соҳада 2 мингдан ортиқ янги тадбиркор иш бошлаган; 2025 йилда 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш режалаштирилган.

Фарғона вилоятида ҳам инвестиция ва туризм ўзаро боғлиқ йўналиш сифатида ривожланмоқда: вилоятда 26 та йирик, 357 та ўрта ва кичик инвестиция лойиҳаси ишга туширилган, 3 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Бу ҳолат вилоятда халқаро ҳамкорлик алоқаларини, инвесторлар учун қулай муҳитни ва туристик инфратузилмани янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Фарғона вилояти Қўқон, Марғилон, Фарғона, Сўх ва бошқа ҳудудларида зиёрат, тарихий, тиббий, агротуризм, экотуризм ва кўнгилочар туризм йўналишларини ривожлантириш салоҳиятига эга. Вилоятда «Шоҳимардон – Ёрдон» халқаро курорт зонаси, «Водил» малина-агротуризм кластери, «Аввал» кўнгилочар туризм мажмуаси ва «Чимён» санаторий-курорт зонаси каби лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, вилоятда туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, меҳмонхоналар, тарихий обидалар ва зиёрат масканларида хизмат сифатини ошириш, хорижий компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари алоҳида эътиборга олиниб, Фарғона Ўзбекистон туризмининг «ҳаракатлантирувчи локомотиви»га айланиш имкониятига эга деб баҳоланмоқда.

Халқаро инвестициялар туризм соҳасида фақат меҳмонхона қурилиши эмас, балки транспорт, логистика, савдо, ошхона-мехмонхона хизматлари, диджитал платформалар, туристик маршрутлар ва кадр тайёрлашни ҳам ривожлантиради. Фарғона вилоятида 2026 йилда умумий қиймати 1,2 миллиард долларлик сервис ва туризм лойиҳаларини ишга тушириш режалаштирилган, бу соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширади. Вилоятда 350 миллион долларлик учта йирик лойиҳа — Евроосиё халқаро савдо маркази, Hilton DoubleTree меҳмонхонаси ва Фошан ишлаб чиқариш саноат парки — туризм, савдо ва логистика инфратузилмасини биргаликда ривожлантиришга қаратилган. Бу лойиҳалар 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Мавзу қуйидаги омилларга кўра долзарб ҳисобланади:

- **Иқтисодий аҳамияти:** туризм ва инвестициялар вилоятда иш ўринлари, экспорт, тадбиркорлик ва қўшимча қиймат яратиш манбаи сифатида хизмат қилади.
- **Ҳудудий аҳамияти:** Фарғона вилояти ўзининг тарихий обидалари, зиёрат жойлари, табиий ресурслари, саноат салоҳияти ва чегара яқинлиги ҳисобига халқаро ҳамкорлик учун қулай шароитга эга.
- **Инновацион аҳамияти:** хорижий технологиялар, замонавий бошқарув усуллари, рақамли хизматлар ва халқаро стандартларни туризм соҳасига жорий этиш имконини яратади.
- **Ижтимоий аҳамияти:** инвестиция лойиҳалари аҳоли бандлигини ошириш, қишлоқ ва шаҳар ҳудудларида инфратузилмани яхшилаш, маҳаллий аҳолининг даромад манбаини кўпайтиришга хизмат қилади.
- **Илмий аҳамияти:** мавзу вилоятда халқаро инвестицияларнинг туризм ривожига таъсирини, ҳамкорлик механизмларини ва соҳадаги муаммоларни тадқиқ этиш имконини беради. Тадқиқотнинг асосий мақсади Фарғона вилоятида халқаро инвестициялар ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва соҳани янада ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Шу тарзда мавзу нафақат вилоят иқтисодиёти учун, балки хорижий инвесторларни жалб этиш, туристик инфратузилмани модернизация қилиш ва халқаро туризм бозорига чиқиш стратегияси учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Методлар ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси:

Ижтимоий-иқтисодий ва тарихий йўналишдаги ушбу мавзуни илмий жиҳатдан чуқур ёритиш учун тарихий, иқтисодий ва социологик методологияларнинг уйғунлигидан фойдаланилди. Хусусан, тарихий-қиёсий метод, хронологик кетма-кетлик, муаммоли-хронологик метод орқали Фарғона вилоятида туризм ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг дастлабки босқичлари ҳамда ҳозирги даврдаги ҳолати ўзаро қиёсланди.: Соҳадаги маълум бир муаммоларни (инфратузилма етишмовчилиги, инвестициявий тўсиқлар ва уларнинг ечимларини) хронологик тарзда таҳлил қилинди. Статистик таҳлил орқали вилоятга жалб қилинган хорижий инвестициялар миқдори, қўшма корхоналар сони, туристлар оқимининг йиллар кесимидаги кўрсаткичларини рақамларда жамланди. Тизимли ёндашув асосида Фарғона вилоятининг туризм салоҳиятини ва инвестиция муҳитини яхлит бир тизим сифатида қараб, уларнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари (транспорт, логистика, меҳмонхона хизматлари, ҳунармандчилик) очиб берилди.

А.Б.Ортиқов, И.И.Собиржонов, Б.Д.Бозоров каби тадқиқотчилар Фарғона вилояти иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда замонавий маркетинг стратегияларидан фойдаланиш, мавжуд инвестиция муҳитини таҳлил қилиш ва унинг халқаро алоқаларини кенгайтириш йўналишларини илмий жиҳатдан ўрганишган. Фарғона водийси ва вилоятининг туристик салоҳияти, тарихий обидалар ҳамда зиёрат туризмини ривожлантириш масалалари юзасидан М. Мирзахмедов ва Х. А. Мирзахмедовлар томонидан илмий мақола ва ўқув қўлланмалар яратилган. А. Мамасидиқов Фарғона вилоятида этнотуризм имкониятлари мавзусида илмий мақолалар чоп этган. Фарғона давлат университети ва Фарғона политехника институтининг иқтисод ва тарих йўналишидаги профессор-ўқитувчилари (масалан, минтақавий иқтисодиёт, ташқи савдо ва инвестиция муҳитини тадқиқ қилган олимлар) вилоятнинг хорижий давлатлар (Туркия, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Венгрия, Қувайт, Қатар, Ливия ва бошқалар) билан иқтисодий ҳамкорлиги ва қўшма корхоналар тарихини ёритиб келишмоқда. Шунингдек, вилоятнинг ўлкашунос олимлари (масалан, археолог ва тарихчилар Г. П. Иванов каби мутахассислар) Фарғонанинг қадимги Буюк Ипак йўли марказларидан бири бўлгани ва замонавий туризмнинг тарихий илдизларини очиб беришган.

Тадқиқот натижалари:

Фарғона вилояти ҳокими бошчилигидаги делегация Қирғизистон Республикасининг Баткен вилоятида бўлиб ўтган халқаро инвестиция ва туризм форумида иштирок этди. Форум доирасида Фарғона ва Баткен вилоятлари ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича икки томонлама меморандум имзоланди. Делегация аъзолари «Туризмни ривожлантиришнинг муҳим асослари» мавзусидаги конференцияда иштирок этиб, водий вилоятларининг ягона саёҳат ҳалқасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар.

Халқаро форум доирасида саноат, инвестиция ва туризм соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар иштирокида ярмарка ташкил этилди. Унда Баткен вилоятининг «Ebro Servis Grup» компанияси билан қўшма корхона очиш юзасидан келишувга эришилди.

«Beshariq To'qimachi Group» МЧЖ томонидан ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 250 та янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспортни кўпайтириш мақсадида илгари ишламай турган собиқ «Магнат» корхонасида модернизация ишлари олиб борилди. Корхонага 6 млн. доллар миқдорида инвестиция киритилиб, замонавий дастгоҳлар ўрнатилди, маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлиги ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг март ойидан иш бошлаган корхона йилига 3 минг тонна ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда.[2]

Файзобод МФЙдаги «Miolar Tekstil» МЧЖда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Россиялик инвестор томонидан ишга туширилган корхонада 120 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Ҳозирда маҳсулотлар МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда. Корхона келгусида янги лойиҳаларни амалга ошириш ва янги иш ўринларини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

Янгиҳаёт МФЙда жойлашган Ҳунармандлар марказида «Авилон Текстил» корхонаси томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бу ерда 40 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

Қўқон шаҳридаги Жоме мажмуасида Ўзбекистон – Венгрия ўртасидаги биринчи ҳудудлараро форум бўлиб ўтди. Шунингдек, Туркиянинг «Sadik Grubu» компанияси директорлар кенгаши раиси бошчилигидаги компания вакиллари қабул қилиниб, «World Tourism Forum Institute» халқаро туризм ташкилоти 60 дан зиёд давлат билан туризм соҳасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу ташкилот вакиллари билан ўтказилган учрашувда Фарғона туризмини янада ривожлантириш, вилоят имиджини халқаро миқёсда танитиш, туризм инфратузилмаси соҳасига хорижий инвесторларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. «Фарғона – водий гавҳари. Инвестиция ва туризм истиқболлари» мавзусида бўлиб ўтаётган халқаро форум доирасида Хитойнинг «Henan Beston Rides Co., Ltd» компанияси ва вакиллари қабул қилиниб, ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган форумда Қувайтнинг етакчи ишбилармон доиралари вакилларидан иборат делегация иштирок этди, вилоятда иқтисодиёт, савдо-саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хорижий инвесторлар учун яратилган қулай муҳит билан яқиндан танишиб, «Қўқон» эркин иқтисодий зонасида бўлиб, амалга оширилган лойиҳаларни кўздан кечирдилар.

Янгиҳаёт МФЙда жойлашган Ҳунармандлар марказида «Авилон Текстил» корхонаси томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бу ерда 40 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

Қўқон шаҳридаги Жоме мажмуасида Ўзбекистон – Венгрия ўртасидаги биринчи ҳудудлараро форум бўлиб ўтди. Шунингдек, Туркиянинг «Sadik Grubu» компанияси директорлар кенгаши раиси бошчилигидаги компания вакиллари қабул қилиниб, «World Tourism Forum Institute» халқаро туризм ташкилоти 60 дан зиёд давлат билан туризм соҳасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу ташкилот вакиллари билан ўтказилган учрашувда Фарғона туризмини янада ривожлантириш, вилоят имиджини халқаро миқёсда танитиш, туризм инфратузилмаси соҳасига хорижий инвесторларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

«Фарғона – водий гавҳари. Инвестиция ва туризм истиқболлари» мавзусида бўлиб ўтаётган халқаро форум доирасида Хитойнинг «Henan Beston Rides Co., Ltd» компанияси ва вакиллари қабул қилиниб, ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган форумда Қувайтнинг етакчи ишбилармон доиралари вакилларидан иборат делегация иштирок этди, вилоятда иқтисодиёт, савдо-саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хорижий инвесторлар учун яратилган қулай муҳит билан яқиндан танишиб, «Қўқон» эркин иқтисодий зонасида бўлиб, амалга оширилган лойиҳаларни кўздан кечирдилар.

Қўқон шаҳрида «Фарғона – водий гавҳари Инвестиция ва туризм истиқболлари» форуми доирасида хорижий делегация вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ўрда майдонида ушбу халқаро форумда Қувайт, Туркия, Венгрия, Хитой, Жанубий Корея, Қатар, БАА каби ўттиздан зиёд давлатдан 200 га яқин компания раҳбарлари, ишбилармонлар, сайёҳлик ташкилотлари вакиллари иштирок этди.[3]

Форум доирасида Туркия, Қувайт, Қатар, БАА, Жанубий Корея, Хитой, Венгрия, Ливия каби давлатларнинг йигирмадан зиёд компанияси раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Ушбу форум доирасида Қувайт Ташқи ишлар вазирлигининг иқтисодий масалалар бўйича делегация вакиллари ҳудудлараро ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари муҳокама этилиб, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида маълумот берилиб, ўз лойиҳаларини амалга ошириш таклиф қилинди.

Қўқон шаҳрида «Kuwait Clover Holding» компанияси вакиллари фармацевтика ва тиббиёт соҳаларида юқори сифатли ва инновацион маҳсулотлар, хизматларни тақдим этувчи

компания томонидан вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасидаги қатор лойиҳаларга инвестиция киритиш масалалари муҳокама қилинди.[4]

Форум доирасида Туркия, Қувайт, Қатар, БАА, Жанубий Корея, Хитой, Венгрия, Ливия каби давлатларнинг йигирмадан зиёд компанияси раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, форумга халқаро кузатувчи сифатида ташриф буюрган Германиянинг «Бавария – Ўзбекистон» ҳамкорлик жамияти раиси, «Gold-Diamond-Art Dealer» (CIP) компанияси раҳбари Карл-Хайнц Брайтцманн ҳамда «Teamdress Holding GmbH» компанияси менежери билан учрашув бўлиб ўтди.

Хитой Халқ Республикасида амалий ташриф билан бўлиб турган вилоят делегацияси Хэнань провинциясида бир қатор ҳамкорлик келишувларига эришди. Чжэнчжоу шаҳрида ўтказилган «Фарғона – Хитой» бизнес-форумида шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, 40 дан зиёд бизнес доираси вакили ҳамда 100 га яқин хитойлик компания иштирок этди. Форум давомида вилоятнинг иқтисодий, инвестиция ва экспорт салоҳияти тақдим этилди. Шу билан бирга, форум доирасида қатор бизнес музокаралари олиб борилиб, икки томоннинг расмий вакиллари ҳамда тадбиркорлари ўртасида қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, электротехника ва бошқа йўналишларда 10 дан зиёд дастлабки келишув имзоланди.

Бугунги кунда Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Хусусан, вилоятда ҳам хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилди.

Хитойда амалий ташриф билан бўлиб турган вилоят делегацияси ҳудудлараро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга қаратилган янги келишувлар яъни Цзинань шаҳридаги «Shandong Health Property Group» диагностика ва реабилитация марказида «Ўзбекистон – Хитой савдо маҳсулотлари: экологик тоза ва тавсия этилади» белгисини ўрнатиш маросими бўлиб ўтди. Унда Фарғона асали ва заъфарони кенг жамоатчиликка таништирилди. Шунингдек, Хитойнинг «Jianhua Ceramics» компанияси раҳбари Ву Хон Цян қабул қилинди.[5]

Фарғона вилояти делегациясининг Жанубий Кореяга ташрифи доирасида Чунгчонгнам-до провинцияси Асан шаҳридаги Sun Moon университетида «Фарғона – Чунгчонгнам-до» инвестиция ва савдо ваколатхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу учрашувда икки томонлама хамкорликни йўлга қўйилиб, иқтисодиётни барча сохалари ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилишни амалга ошириш учун келишиб олинди.[6]

Япониянинг «One Blue Career Inc» компанияси делегация вакиллари ташриф буюриб, бугунги кунда Япония капитали иштирокида Фарғонада 7 та корхона фаолият юритмоқда, Фарғона ва Япония ўртасидаги савдо айланмаси 4,5 миллион долларни ташкил этмоқда. Шунингдек, Экошаҳарда кунчиқар юрт ишбилармонлари томонидан япон туризмига мўлжалланган бўлиб, қиймати 60 миллион долларлик меҳмонхона, боғ, ресторан ва тиббиёт масканини ўз ичига олган лойиҳа амалга оширилмоқда. Делегация вакилларига Фарғона вилоятини салоҳияти ҳақида маълумот берилди.[7]

Хулоса қилиб айтганда, ўтказилган халқаро форумлар, учрашув ва музокаралар Фарғона вилоятининг инвестициявий ва туристик салоҳиятини жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш, хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда экспорт ҳажмини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Шавкат Мирзиёев. Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – ватанмиз. “O’zbekiston” Тошкент – 2024 304 бет
2. Фарғона вилояти иқтисодиёт бошқармасининг маълумотлари 2025 йил.
3. Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари 2026 йил
4. gov.uz./fergana t.me/fvhokimligi

5. Фарғона вилояти иқтисодиёт бошқармасининг маълумотлари 2026 йил.
6. gov.uz./fergana t.me/fvhokimligi
7. gov.uz./fergana t.me/fvhokimligi

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000